



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM Olish: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ш.Н.Мустафаев

СамДУ Каттақўрғон филиали доценти

САНЪАТ ВА ПЕДАГОГИКА УЙҒУНЛИГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ОМИЛИ СИФАТИДА

Санъат ва педагогика уйғунлиги Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида таълим-тарбияни модернизациялашнинг интегратив омили сифатида дунё мамлакатларининг модернизациялашув тажрибаларини ўрганиш ушбу жараёнларнинг беш ёндашув асосида амалга ошишини кўрсатади. Дихотомик ёндошувда модернизация жараёни шу пайтгача анъанавий бўлиб келган одатий ҳолатдан янги, замонавий ҳолатга ўтиш деб қаралади. Цивилизациявий ёндошув янгиланиш замонавий тамаддуннинг ёйилиб бориши нуктаи назаридан талқин этилади. Инструментал ёндашувда эса юқоридагилардан фарқли ўларок, ўзгариш воситалари ва усуллари нуктаи назаридан талқин этилади. Ментал ёндашувда янгиланиш, замонавийлашув дунёқараш ва маънавиятнинг трансформацияси нуктаи назардан талқин этилади. Модернизацияга тарихий жиҳатдан ёндашув эса тарихий тараққиёт, кескин ўзгаришлар нуктаи назаридан талқин этилади.

Модернизациянинг манбаи, ҳаракатга келтирувчи кучи нуктаи назаридан қаралганда унинг органик (модернизацияни ўзининг ички ресурслари ҳисобидан ўтказиш) ва ноорганик (трансформацияни ташқи давлатлар иштирокида амалга ошириш) шакллари кўзда тутилади.

Дунё тажрибасида таълим тизимининг модернизацияси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим



tizimini barqaror rivojlaniшини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилишини англатади. Шу боис ҳозирги шароитда олий таълим тизimini модернизациялашнинг устувор йўналишлари сифатида:

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- ўқитишнинг мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш;
- ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустақил ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни вужудга келтириш кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўз тизимида Бешта муҳим ташаббуснинг тегишли йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга масъул эканлиги белгилаб қўйилди[1].

Олий таълим тизimini модернизациялаш тушунчаси (“модернизация” французча *moderniser* сўзидан олинган ва “энг янги”, “замонавий” деган маънони англатади) бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замон талабларига мувофиқ ҳолда ислоҳ қилиш, ўзгартириш, деган мазмунни англатади. Шу маънода бизнинг тадқиқотимизда олий таълим тизimini модернизациялаш бу – одатда анъанавий ёки эски тизимни ўзгартириш орқали янги, замонавий олий таълим тизимига ўтиш жараёни сифатида талқин қилинади.

Модернизация назариясининг шаклланишида Т. Парсонс, Э. Шильз каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Модернизация назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади [2;197-198-б].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон [Фармонининг қабул қилиниши мамлакат таълим тизимида тарихий воқеа бўлди](#). Фармоннинг 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясининг 4-банди “Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш”га бағишланди. Унда олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш концептуал вазифа сифатида белгилаб берилди [3].

Глоблалашувнинг жадал суръатлари ва шахснинг индивидуаллигини йўқотувчи чексиз ахборотлар оқимига эга бўлган ахборот жамиятида одамларга



ҳар томонлама таъсир кўрсатиш ва уларни йўналтириш қобилиятига эга таъсирлар тобора долзарблаша бормоқда. Санъатнинг таълим жараёнига жорий қилиниши билан ҳал қилиш мумкин бўлган педагогик вазифалар доираси ниҳоятда кенг. Шу сабабли бугунги кунда "шахс - шахс" тизимида ишлайдиган кўплаб мутахассислар санъат имкониятларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Интернет саҳифаларига назар солиш кифоя қилади.

Беш муҳим ташаббус доирасида талаба ёшларни бадий фаолиятда тарбиялаш самарадорлигини ошириш бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан Америка фанни ривожлантириш ассоциацияси (American Association for Advancement of Science - AAAS)нинг ҳар йили ўтказиб бориладиган "Илмий рақс" (Science Dance Contest) танлови тажрибаси диққатга сазовор, деб ҳисоблаймиз. Бунда иштирокчи тадқиқотчиларга ўз тадқиқот натижаларини фақат пластикада, мусиқа, рангли нурлар ёрдамида ифодалаш таклиф этилади. Хорижлик мутахассислар санъат ва ижодга бошланғич мактабда ўқитиладиган ҳар бир предметнинг асосий компоненти сифатида қарашади. Бу ёндашувни Европада ҳам кузатиш мумкин. Чунки Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилувчи янги таълим-тарбия лойиҳаси «ARTinED» санъат воситасида ўқитиш ва тарбиялаш методикасини ишлаб чиқишга қаратилган. Лойиҳа муаллифларининг қатъий хулосаларига кўра санъат командада ишлашга ўргатади, когнитив қобилиятларни, танқидий фикрлашни, коммуникатив малакаларни ривожлантириши билан XXI асрда инсониятни ривожлантиришда фундаментал роль ўйнайди. Бунда гап мактабда санъат предметларини ўқитиш ҳақида эмас, балки мактаб дастурининг ҳар бир йўналишига санъат турлари таъсирини интеграциялаш ҳақида бормоқда. Масалан, математикани ўргатишда - рақсга тушиш, тарих дарсларида расм чизиш, тил ўрганиш дарсларида - мусикадан фойдаланиш ўзда тутилади. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Италия, Буюк Британия, Туркия, Испания, Швеция, Руминия томонидан қўллаб-қувватланиб, мактабларида синовдан ўтказилган. [4.]

Бугунги тобора технократизациялашаётган замонда санъатга бўлган бундай кескин талабнинг сабаби нимада? Психология бўйича ўтказилган фундаментал тадқиқотлар берган жавобга кўра санъат "маънонинг йўқолишига қарши курашади. Унинг вазифаси инсонни нарсалар дунёсида адашиб қолишининг олдини олишдир. Санъат одамдаги инсонийликни ва дунёни билиш учун зарур" [5.]. Худди шу фикр файласуф, санъатшунос Ю.Боревнинг асарларида ҳам учрайди: "... санъат одамдан инсонни етиштиради" [6]. Гуманистик психологиянинг асосчиси ва етакчиси А.Маслоу санъат воситасида ўқитиш ва тарбиялаш "тузукроқ одамларнинг пайдо бўлиши учун" зарурлигига ишонган. А.Маслоу фикрига кўра, бундай таълим, қолган бутун таълим соҳаси учун парадигма бўлиши керак ва айнан шу таълим "тўғри таълим"дир [7].

Шундай қилиб, санъатнинг етакчи функцияси - одамни "инсонийлаштириш"дир. Шунингдек, санъат одамларнинг мураккаб тан-руҳ табиатига жисму-танига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш қобилиятига эга ва шу



сабабли таълимнинг самарали воситаси бўлиб, инсон учун умри давомида ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи тарбиялаш ва ўзини ўзи ўқитиш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб қолади.

Санъатнинг хусусиятини, унинг шахсга таъсир қилиш механизмларини, анъанавий ва замонавий ўқув амалиётини таҳлил қилиш артпедагогиканинг мақсадли учта асосий йўналишини ажратиб олишга имкон беради.

1. Таълим жараёнига санъат ва педагогика имкониятларининг интеграцияси ҳамда таълим мазмунини бошқа, сифат жиҳатидан янгича идрок қилиш, ифодалаш, тушуниш учун қулай шарт-шароит яратиш. Бунда бадиий-педагогик воситалар:

- таълимий ахборотнинг тенг манбаи бўлиб, ўқув материаллари ичида ўзига хос "овоз", субъектив ҳолатлар, ҳиссий ҳаракатнинг нозик нюанслари, бошқа инсоннинг ҳис-туйғулари, ҳиссий тажрибаси ҳақида ҳикоя қилиш;

- таълим мазмунининг шахсий-субъектив тажрибаси лаҳзаларини яратиш, шахс учун аҳамиятли жиҳатларини аниқлаш;

- ўрганиладиган ўқув материалнинг тарихий ва маданий контекстини ҳис қилишнинг маълумот манбаи бўлиш;

- турли хил ассоциациялар, ҳиссиётлар, фикрлар, таасуротлар майдонини ахборот билан тўлдириш яратиш орқали таълим мазмунини иштирокчиларнинг индивидуал тажрибаси билан бойитиш;

- муносабат, позицияларни идрок этиш ва баҳолашнинг анъанавий ёндошувларини ўзгартиришга ёрдам бериш;

- "Мен" тушунчасининг ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ифодалашга қаратилган қиймат-семантик бойитиш манбаи бўлиш.

2. Арт педагогик воситалар педагогик ҳамкорлик шароитларини оптималлаштиришга қодир, чунки улар:

- талабаларни психофизиологик қўллаб-қувватлаш манбаи бўлиш, ақлий ишларнинг миқдори ва сифатини ошириш, ихтиёрий эътиборни кучайтириш, нейро-эмоционал стрессларни енгиллатиш, чарчоқнинг олдини олиш, бир фаолиятдан иккинчисига қулай ўтиш ва ҳк.;

- маълумотни мантиқий-оғзаки шаклдан эмоционал-мажозий модалликка кодлаш ҳисобига ўқув материални тушуниш, ўзлаштириш ва ёдлашни осонлаштириш;

- ўқув материални идрок этишга мотивацион, ҳиссий, коммуникатив тайёрликни таъминлаш;

- ўқув жараёни иштирокчиларида умумий ҳаракатга дахлдорлик, бирлашиб ҳамкорлик қилишга ижобий ҳиссиётларни шакллантириш;

- янгилик, қизиқиш, парадокс, ҳайрат ва бошқа механизмлар орқали талабаларда назарий материалнинг мураккаблигига нисбатан "қаршилиқ" ни камайтиришга ёрдам бериш;

- иштирокчилар учун қулай ўқув шароитларини яратиш (дам олиш, ижобий кайфият, шахслараро муносабатларни яхшилаш ва бошқалар);

- умумий ҳаётий жўшқинликни, шахсий ижодкорликни, ўзига бўлган ишончни ошириш.



3. Артпедагогик воситалар ўқув жараёнида диагностик манба бўлиши мумкин, бунда:

- талабаларнинг кутилаётган фаолиятга муносабатлари хусусиятларини, талабалар билимининг сифатини очиб бериш;

- ўқув материални тушуниш динамикасини (яширин, назокатли шаклда) кўрсатиш;

- иштирокчиларнинг шахсий муносабатларини, уларнинг таълим мазмунидаги муаммоларга муносабатини аниқлаш;

- ўқув-тарбиявий таркибни ўзлаштириш сифатига таъсир қилувчи онгсиз муносабат, қатағон қилинган тажриба, хиссиётлар, хотираларни аниқлаш;

- ўз-ўзини билишни амалга ошириш (ўзига "ташқи томондан" қараш имконияти туфайли);

- гуруҳнинг умумий ҳиссий ҳолатини, шахслараро муносабатлар хусусиятлари ва индивидуал хулқ-атвор стратегияларини идрок етишга тайёрлик даражасини аниқлаш.

Юқорида келтирилган фикр ва хулосалар артпедагогикани олий таълимни инсонпарварлаштиришнинг муҳим манбаи эканлигини тасдиқлаб, талабалар тарбиясида артпедагогикадан самарали фойдаланишнинг бой имкониятларни кўрсатиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги КҚ-20-1У-сонли Қарорига 1-илова.

2. Фалсафа энциклопедик луғат. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2010.197-198 б.б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон [Фармони](#).

4. <http://www.artined.eu/home.html> (қайд санаси 20.08.2020).

5. Леонтьев А. Н. Некоторые проблемы психологии искусства // Леонтьев А. Н. Избранные психологические произведения: В 2 т. Т. 2. М.: Педагогика, 1983

6. Борев Ю. Б. Эстетика. Ростов н/Д.: Феникс, 2004.

7. Маслоу А. Новые рубежи человеческой природы. М.: Смысл: Альпина нон-фикшн, 2011